

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги муносабати билан



ВАТАН

Чопиб ўйнаганмиз майсазорларда,
Қўшиқ куйлаганмиз, шеърлар айтганмиз.
Самарқандни кўриб дил ифтихорда,
Бухородан ҳайрат билан қайтганмиз.

Қунлар ранг оларди севинчимиздан,
Сойлар, ариқларни лойқалаганмиз.
Ватан онамизнинг нигоҳи билан,
Суйганини лекин пайқамаганмиз.

Гардсиз ҳаволарни кўксимиз тўлиб,
Симирдик ва кўрдик тонглар сеҳрини.
Англамадик ватан муаллим бўлиб,
Ўн йил бахш этганини бизга меҳрини.

Бежизга экилмас экан бир ниҳол,
Бежиз келмас экан юрт баҳорлари.

Тушунмабмиз қўшиқ экан бетимсол,
Она Галлаорол бугдўйзорлари.

Англадик ҳовлига кўрк ва салобат,
Ватан дарахт экан илдизлар отган.
Ватан — уйлардаги тинчлик, ҳаловат,
Ва гўдак эканини бешиқда ётган.

Фанимлар чанг солса жонимизнимас,
Кўзимиз киймасин қийғос чаманни.
Кўксимизни қалқон этайлик ҳуллас,
Майли, тарк этайлик сўнгра оламни.

Бироқ куёш қолсин осмонимизда,
Қолсин мағрур тоғда долаларимиз.
Хурлик атри қолсин бўстонимизда,
Ва рангин қирларда болаларимиз.

Абдувахоб ФИЁС

Галлаорол шахри

Инсон баъзан ўз ҳаёти-
ни сарҳисоб қиларкан,
гоҳо мамнун, гоҳо маҳзун
ҳолатга тушади. Пиру ба-
давлат оиланинг ибратли
бошлиғи Фуломжон ака
Жаҳонгиров ибратли ҳаёт ке-
чирди. Умр varaқлари мазмун-
ли ва савоб ишларга бой
бўлди. У оиласининг ёлғизги-
наси бўлиб, оддий сувоқчи
Ҳасан ота ва Норпошша буви-
лар хонадонининг кўпдан ку-
тилган фарзанди эди. Маҳал-
лада уларнинг оиласини жуда
ҳурмат қилишарди. Ҳамиша
саранжом-сарийшта, кишин-
ёзин турли кўкатлар, гуллар
яшнаб турадиган кенг ҳовли-
нинг эгалари чиндан ҳам дил-
каш, ажойиб инсонлар эди.

Ҳасанхон ака ёлғиз фарзан-
ди Фуломжонни одобу ах-
лоққа, меҳнатсеварликка
ўргатди. У ҳам ота-онасининг
ишончини оқлаш, уларнинг
дилидаги орзу-ҳавасларини
рўёбга чиқариш учун ўқиди,
изланди, катта муваффақият-
ларга эришди. Ўрта Осиё По-
литехника институтида ўқиб,
танлаган соҳаси бўйича мута-
хассиликни эгаллади. Наман-
ган вилоятидаги автокорхона-
ларидан бирида иш бошлади.
Орадан йиллар ўтиб, анча таж-
рибаси ошган Фуломжонни
Тошкент шаҳридаги йирик
автоҳўжаликлардан бирига
раҳбарликка ўтказишди. Қаер-
да ишлаган бўлса ҳам, ҳар
қандай ишларига ёрдам бер-



УМР ЙЎЛИНИНГ УФҚЛАРИ



ди. Устоз бўлиб кўплаб шоғир-
лар, дўсту-биродарлар орт-
тирди. Ҳозир Фуломжон ака
Ўзбекистон автомобил ва дарё
транспорти агентлигида масъ-
ул вазифада ишлайди. Шу таш-
килотдаги фахрийлар кенга-
шига раислик ҳам қилади.

У кўп йиллар ҳалол меҳнат
қилиб бахту саодат, обрў-эъти-
бор тоғди. Бахтли оиласида

умр йўлдоши Шоҳида ая би-
лан уч нафар фарзандни тар-
биялашди. Ўғиллари Баҳодир,
Бахтиёр ва қизи Гулнозахон-
лар ҳам қобил фарзандлар
бўлиб улғайишди. Энг қизиғи
шундаки, бу оиладаги эркак-
ларнинг ҳаммаси автомобил-
чи бўлишса, аёлларнинг ҳам-
маси шифокор. Узукка кўз
қўйгандек шу оиланинг қизла-

рига айланиб кетишган келин-
лари — Мунаввархон билан
Шоирахондан қайнона-қайно-
талари рози. Улар элу юртга
сидқидилдан хизмат қилиш-
моқда. Фуломжон ака рафиқа-
си Шоҳидахон ая билан кек-
саликнинг фарахбахш дамла-
ри кечиришмоқда.

— Фарзандларинг элу-юртнинг
қорига яраптими, набирала-

ринг улғайиб наслингни давом
эттиришаяптими, шунинг ўзи
давлат-да, дейди Фуломжон
хожи ота мамнуният билан.

У ҳар тонг юзига фотиҳа тор-
таркан, аввало юртимизнинг
тинчлигию хотиржамлигини
тилайди. Ўзининг етмиш йил-
лик умри уфқларини ёрқин-
ликка шукроналар қилади.

Мурод ПАРПИХУЖАЕВ

ИБОДАТ БУВИ — СОБИҚ ТРАКТОРЧИ

Қорасув шахрининг "Пахтачи" ма-
ҳалласида истиқомат қилувчи 78
ёшли Ибодатхон буви Тешабоева
уруш даврида трактор ҳайдаган, жа-
моа ҳўжалигида сидқидилдан меҳ-
нат қилган.

— 14 ёшимдан далага чиқдим, — дей-
ди Ибодат буви. — Кетмон чопдим,
ўша вақтда ерни кўлда текислаб
экин экардик. Кўлларимиз қавариб
кетарди. Қизариб, бўртиб чиққан
жойларини намақоб билан ювиб,
яна ишлайверардик. Кечалари уйга
қайтмай далада тунаб қолардик.
Уруш бошлангач, кўпчилик урушга
кетди. Қолганлардан бир гуруҳи
тракторчиликка ўргатадиган махсус

ўқишда ўқидик. То 1979 йилгача жа-
моа ҳўжалигида ишладим. Катта Фа-
рғона канали қурилишида ҳам қат-
нашганман...

Умрининг 40 йилдан зиёдини да-
лада меҳнат билан ўтказган Ибодат
буви турмуш ўртоғи (марҳум) Холик-
жон ака билан биргаликда тўрт фар-
зандни тарбиялаб вояга етказдилар.
Ҳозир у неварачеваралари огуши-
да. Ҳаётнинг барча азоб-укубатла-
рини нозиккина жуссалари билан
мардона енга олган қаҳрамон момо-
ларимиз билан ҳар қанча фахрлан-
сак арзийди

Оловиддин ДАДАХОНОВ

Қорасув шахри

ЗАРБДОРНИНГ ЗАРБДОР ЖАМҒАРМАСИ

Маълумки, меҳр-шафқат ва саломатлик мар-
кази фаолиятининг асосий меъзони муҳтож-
ларга хайру саховат, кам даромадли оилалар-
ни кўллаб-қувватлаш билан белгиланади. Бу-
нинг учун эса жамғарманинг ўзи иқтисодий
бақувват бўлиши лозим. Зарбдор туманида-
ги ана шу нодавлат ташкилоти аъзо-
лари маблағ жамғаришнинг ишончли
йўлини топшишган. Улар туманининг "Ан-
дихон" ширкат ҳўжалигидан 10 гектар ер олиб,
деҳқончилик қилишмоқда. Жорий йилда мав-
жуд майдонларга экилган галла кутилганидан
ҳам зиёда ҳосил берди. Ҳосилдорлик ҳар ге-
ктаридан 39 центнердан тушди. Етиштирилган
ҳосилнинг 20 тоннаси шартнома шартлари-
га қўла кўла сотилиди. Қолгани бозор нархи-
да аҳолига сотилиб, жамғарманинг моддий
аҳоли яхшиланди.

Х. ҲАМРОЕВ

ЖУРНАЛИСТЛАР ИҚТИСОДИЙ МАЛАКАСИ — ЗАМОН ТАЛАБИ

16 — 17 август кунлари Республика
Миллий матбуот марказида журналист-
ларнинг илмий-амалий семинари бўлиб
ўтди.

Семинар машғулотларидан кўзда тутил-
ган мақсад — журналистларнинг иқтисо-
дий маълумотларни ёритиш бўйича билим ма-
лакасини ошириш. Семинарнинг
биринчи кунда давлат бюджетини,
унинг шакллари, тартиби ва улар-
ни бошқариш, бюджетларро муносабат-
лар ва уларни такомиллаштиришга оид,
иккинчи кунда солиқ тизими, бевосита ва
билвосита солиқлар, мулк солиғи ва ре-
сурс тўловлар тизими тўғрисида Молия
вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитасидан
тақлиф этилган етакчи мутахассислар то-
монидан маълумотлар қилинди.

Журналистлар соҳа мутахассисларидан
ўзларини қизиқтирган кўлаб савол-
ларга жавоблар олдилар.

Ўз мухбиримиз

АХБОРОТ

Хадичахон кечаси билан тўлғониб чиқди. У севган, не-не умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган вафодори Содиқхон автоҳалокат натижасида ҳалок бўлди.

Шу кунларда Хадичахон озиб-тўзиб кетди. Бунинг устига ҳомиласи ҳам тўрт ойлик бўлиб қолди. Кеча гинекологга борди. Ва бошидан ўтган воқеаларни унга гапириб бериб, "қорним-

Соёлом турмуш — соёлом авлод гарови

- Жуда тўғри иш қилибсиз, энди мана бу гапларни билиб қўйсангиз яхши бўлади, деди гинеколог. - Ҳамма яхши биладики, ҳомила она қорнида она жисми билан қўшилиб, бир тан бир жон бўлиб, ҳамоҳанг яшайди. Ана шу даврда ҳомила на вақтни, на маконни билмайди. Бола клиник туғилиш даври-

бор кучини ишга солиди ва ғойибдан унга ана шундай илоҳий қудрат берилади. Азоб-уқубатлар, йўқолиб, энди у роҳат-фароғатга чиқиб қолади. Ўлим хавфи йўқолиб, унинг ўрнига онага бўлган мислсиз меҳр-муҳаббат туйғуси пайдо бўлади. Абортнинг энг даҳшатли томонларидан бири шуки,

БУ ЁРУҒ ДУНЁДАН ПОУМНИ ҚИЛМА

даги болани олиб ташла-сангиз", деб ялиниб-ёлворди. Орагул опа унинг дарду ҳасратларини эшитиб, сўнг шундай деди: "Сизга жуда ҳам қийин. Бироқ маслаҳатимга кирсангиз, ҳомилангизни олди-манг. Бу ишингиз тирик жонни ўлдириш билан баробар, чунки айни вақтда унинг жонига, мияси ва бошқа кўпгина аъзолари шаклланиб бўлган, ишлаб турибди. Кейинчалик тирноққа зор бўлиб ўтишингиз ҳеч гап эмас".

Уша кун у не-не хаёллар билан уйига қайтиб келди. Ўйлаб ўйига етмасди. "Бошимда эрим бўлмаса, ота-онам, ака-укам бўлмаса. Йўқ, олдираман дедимми, олдираман".

Эрталаб касалхона учун керакли нарсаларни олди. Муздек сувда юзини ювиб, кўзгуга боқди-ю... хайратдан ва кўрқувдан ранги бўзариб кетди. Кўзгудан оппоқ либос кийган, тим қора кўзлари жиққа ёшга тўлган фаршасимон бир қизалоқ: «Онажоним, мени жувонмарг қилманг», дегандай нола ва илтижо билан унга боқиб турарди. Хадичахон анчагача бемажол ўтириб қолди. "Мен нима қилаяпман ўзи" Ҳақиқатан ҳам ўз фарзандимни ўз қўлим билан ўлдираяпман. Йўқ, қанчалар қийналасам ҳам уни қалбим ҳарорати билан парвариш қиламан..."

Эртасига гинекологга бориб, қатъий қарорга келганини айтди.

га келганда онанинг бачадони қисқара бошлади. Бироқ туғруқ қана-ли ҳали ёпиқ бўлади. Ҳомила ана шу тўсиқдан чиқиб кета олмай қийналади. Энди она билан бола ўртасида зиддият пайдо бўлади. Жаннатий роҳат-фароғат тугаб, унинг ўрнига ҳомилани хавф-хатар ҳисси чулғаб олади. Она билан бола бир-бири учун азоб-муболағи айланадилар. Бола талвасага тушиб, гўё ўлим азобини бошидан кечиради. Бола онанинг туғруқ йўлларида ўтар экан. она организми унинг эсон-омон дунёга келиши учун барча имкониятларни яратиб беради. Яъни бачадон қисқаришда давом этади. Туғруқ йўлининг оғзи очилиб, боланинг ёруғ дунёга чиқиши учун тайёр туради. Ҳомила ана шу туғруқ йўлидан ниҳоятда қийинчиликлар билан ўтар экан, бошидан мисли қўрилмаган азоб-уқубатларни кечиради. Зеро унинг ёш организми ҳаёт-мамот учун курашади. Уни бўғиб ташлаётган бачадон деворидан қутулишга ҳаракат қилади. Ана шу тил билан изхор қилиш қийин бўлган қийинчиликлардан қутулиш учун



болани бачадондан кириб олгандан кейин ана шу қирилган жойда боланинг руҳи қолади ва то даври қиёматгача ана шу руҳ фарёд уриб, чинқириб туради. Энди аёл яна бир бор ҳомилалардор бўлди, дейлик. Эркаклик уруғи бачадондаги ўша кириб олинган - жувонмарг қилинган ҳомила руҳи ўрнига ўрнашганда бўлажак бола руҳан мажруҳ, жисман ногирон, ақлан кемтик бўлиб туғилиши мумкин.

Хадичахон вақти келиб, ширин бир қиз кўрди... Кунлардан бирида фарзандини бағрига босиб унинг юз-кўзларига термудли ва хайратдан қотиб қолди... Не кўз билан кўрсинки, ўша машум кунда кўзгудан, "Онажоним, мени жувонмарг қилманг" деб фарёд чеккан қизалоқ унга меҳр тўла кўзлари билан қараб турарди...

Марҳамат хожи МУСЛИМОВ

«ХАРИДОР ҲАҚҚИГА ХИЁНАТ ҚИЛИШДАН ҚЎРҚАМАН»



де й д и Бектемир туманига қарашли "Нозима-хон-Муаззам" хусусий корхонаси раҳбари Муаззам Мухитдинова.

Муаззам она раҳбарлик қилаётган хусусий дўконга кирганимда у ердаги сотувчи қизларнинг харидорлар билан қилган хушмуомаласи-ю, покиза пештахталарга чиройли қилиб терилган озиқ-овқат маҳсулотларини кўриб, очиги хавасим келди. Кўнглимдан иш дегани мана бундоқ бўлибди,

Тадбиркорлик — давр талаби

деган фикрлар ўтди. Биз опа билан бугунги тезкор замонда тадбиркор бўлишнинг ўзига хос хусусиятлари борасида суҳбатлашдик.

- Муаззам опа, асли касбингиз шифокор экан. Нега ўз касбингиз йўналиши бўйича эмас, тадбиркорлик йўлига қадам қўйдингиз?

- Бундан бир неча йиллар муқаддам менинг ширингина қизалоғим Нозима касаллик туфайли оламдан ўтди. Унинг ҳаётга қайтиши учун қўлимдан келган хизматларни қилдим. Афсус, унинг касаллиги олдида тиббиёт ҳам ожизлик қилди. Ўзим шифокор бўла туриб, боланинг ҳаётини асраб қололмаганим жуда алам қилди. Бундай оғир дарддан букилиб қолдим. Бу воқеадан сўнг мен оқ халат кийиб беморларни қабул қилишим қийин эди. Биласизми, шифокорлар ҳам ёзувчилар каби жуда таъсирчан, зийрак бўлишадилар. Улар кўпроқ ўзларининг дарду дунёси билан эмас, бошқаларнинг ҳаёти билан яшашадилар. Шифокорнинг елкасида энг аввало инсон тақдири ётади. Бироз ўзимга келиб, дардларимни унуттиш мақсадида укам Ботир кўмаги билан дастлаб кичкина музқаймоқ шахобчасини очдим. Сўнгра қизимнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида ушбу дўконни очдим.

- Баъзи кишилар тадбиркорликни фақатгина бойлик орттириш манбаи деб билишади. Сизнингча, тадбиркор аёл бўлиш осонми?

- Тадбиркорлик чет элдан минг сўмга қўйлақ олиб келиб икки

минг сўмга сотиш дегани эмас. Ундай инсонлар "чайқовчи" дейилади. Яъни бозор талабларини у ёқдан-буёққа чайқаштириб нарх-навои ошириб юбуровчи кишилар. Ҳақиқий тадбиркорлар эса бозор талабларига эмас, кишилар эҳтиёжига қараб иш тутувчи инсонлар. Одамлар бугунги кунда кўпроқ нималарни истеъмол қилишяпти-ю, қандай маҳсулотларнинг сифатидан норози...

Шуларни ўйлаб иш кўрувчи инсон — ҳақиқий тадбиркор. Оёққа туриб олгунимизча анча қийналдик. Атрофимда мени ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи яхши инсонлар кўп бўлган.

Бойс

тезгина оёққа туриб олдим.

- Дўконингизда 200дан ортиқ маҳсулот тури бор экан. Уларнинг сифатига ва ишчи-хизматчиларнинг инсонлигига таразу ҳаққининг тўғрилигига ким қасолат беради?

- Нима демоқчи эканингизни тушундим. Дастлаб мен дўкон очиш ниятим борлигини онамга айтганимда, у киши: "Қизим, хайрли ишингга барака тилайман, аммо тарозидан уриб, одамлар ҳаққига хиёнат қилсанг, асло кечирмайман. Одамлар ҳаққига хиёнат қилиш, Оллоҳни алдаш билан баробардир", - деган гаплари ҳар доим қўлоғим остида туради. Онажонимнинг бу гаплари нафақат насихат, балки мен учун қонунга айланган. Агарда сотувчиларимдан биронтасини харидор ҳаққига хиёнат қилаётганларини сезиб қолсам, ўша дақиқадаёқ ишдан бўшатаман.

Маҳсулотларни харид қилишда ҳеч кимга ишонмайман. Муддати ўтган маҳсулотларни арзон-гаров сотиш йўллариини излаб ўтирмайман. Ундай маҳсулотларни сотув муомаласидан чиқариб ташлайман. Чунки сотилаётган ва истеъмол қилинаётган ҳар бир нарсага аввало мен жавобгарман. Одамлар билан муомалада зийрак тураман, хизматчи йигит-қизлардан ҳам шуни талаб қиламан.

- Суҳбатингиз учун раҳмат. Ишларингиз янада ривож топишига тилақдошимиз.

Нигора ЙЎЛДОШЕВА

БОШ ОМОН БЎЛСА...

Эсингизда бўлса газетанинг 2001 йил 38-сонида "Йигитнинг кўнгли ипак" номли мақола чоп этилганди. Унда Ш. исмли йигитнинг кечмишлари ҳикоя қилинган. Йигитнинг онаси маҳалласидаги бир бой-бадавлат кўшинининг қизини кўз остига олиб, ўғлига у билан учрашишни таклиф қилади. Йигит ва қиз бир-бирига маъқул бўлишади. Лекин қизнинг қариндош-уруғи йигитнинг оиласини "ўртаҳол" деб, норизо бўлишади. Бу гап маҳаллага тарқалади. Қутилмаганда қиз келиб йигитга: "Сенга мен тегаман деб айтдимми? Сен ким, мен ким, кўзпанга қараб оёқ узат", - деб изра қилиб кетади. Йигит ўшанда аламдан таҳририятга келганди.

Мана, яна ўша йигит таҳририятимизга кириб келди.

- Опа, "Вақт ҳамма жароҳатни даволайди" деганлари рост экан, дея гап бошлади у. Мана, тенгимни ҳам топдим. Ўзим магистратурада ўқияпман. Бўлажак келиннинг бухгалтерия техникумини тугатган. Ҳозирча ишга киргани йўқ. Насиб бўлса тўйдан кейин...

- Табриклаймиз, тўй қачон?

- Мана, таклифнома олиб келдим, - дея қўлимга иккита таклифномани узатди. Самарқандда жойдан овора бўлиб келган муҳлисимиздан бениҳоя кўнглим кўтарилиб кетди. Қон-



қонимизга сингиб кетган меҳроқибат, одамгарчилик каби олий фазилатларимиз борлигидан бошим осмонга етди. Қувончимни яширолмадим.

- Шу иссиқларда овора бўлиб келибсиз-да.

- Оворагарчилиги борми, опа. Газеталарингиз ҳам, муомалаларингиз ҳам жуда иссиқ. Бу дунёда бутун табиат нурга, иссиқликка ташна, унга интилиб яшайди. Сизларнинг меҳрингиз олдида Тошкент билан Самарқанднинг ораси нима деган гап.

- Жуда ошириб юбормадингизми, ука, - дейман гарчи мактовчи ёқиб турган бўлса ҳам одатий камтарлик билан.

- Йўқ, мен ёлгон гапни ёмон кўра-

ман. Бошқаларни билмадим-у, газеталарингиз менга чиндан ёқади.

Йигит тўйга албатта боришимизни қайта-қайта таъкидлаб чиқиб кетди. Эрталабдан кайфиятим яхши эди. Тагин бир ҳисса кўтарилди. Бугун тушун қайфиятда кунни бошлаганларга бир гапни айтгим келаяпти: Азизлар, ҳар бир дақиқамиз ганимат. Арзиманг нарсалардан руҳингизни туширманг. Вақт олий ҳакам. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Бундан 10 ой олдин бу йигит ҳам дунёсини йўқотган одамдай кириб келганди. Қаранг, ҳаммаси изга тушиб кетибди. "Бош омон бўлса, дўппи топилади", деганлари шу-да...

Лола АҲМЕДОВА

ҚУРБАҚАЛАР ҚАНАҚА БЎЛАДИ?

МЭЛОХАЗА,
МЭНОХАТА,
МЭНОЗАР.

Ёзининг жазирамасида бир кафт бўлса ҳам ҳовли бўлганига не этсин экан. Офтобнинг дами кесилиб, соялар чўзила бошлаган чоғда ҳовлингга сув селиб, ўз кўлинг билан бино қилган гулзорларингни сугорсанг борми, оиланг ва олам ташвишларидан фориғ бўлиб, нақ жаннатмакан гўшада ҳис этаркансан ўзингни. Наздинда, сенга етар бахти бекам топилмас бу жумлаи жаҳонда. Зеро, сувдан баҳра олган жамбил — райхонлар исси ҳовлини тугибди-қўйибди. Гуллар худди бетини чайиб олгандай ранго-ранг товланиб кетибди. Қарабсанки, гулзор узра оппоқ капалаклар гужгон ўйнаётди. Уларнинг ўйини оппоқ либосда саҳнада рақс ташаббус қилган балериналарни эслатади ва ўзига махлиё қилади-қўяди. Умрингда то шу чокча ҳеч қачон кўрмаганинг капалаклар рақси дилнингдаги губорни ювади.

Айни шу чоқда ҳовлимни кўчадан ажратиб турган тахта девор ортидаги қуриб ётган ариқ бўйидаги гулзор ёнида бола-бақранинг уймаланиши-ю, алланималар ҳақида баҳслашгани ҳаёлимни тортиди. Булар олти яшар неварам Жамшидхоннинг жўралари. Ана, ҳеч қачон саломини қанда қилмайдиган, ҳар доим мулоимгина бўлиб ёнимга келиб: "Ассалому алайкум, Холида опа!" - дея қўлини кўксига қўйиб салом берадиган Шохрух негадир ҳаяжонда:

- Мен қурбақа тутиб олдим, - деб мактанди тўсатдан.

- Қурбақа? Қани қурбақа? - деган овоз эгасини танидим. Буниси бу йил мактабга чиқадиган Ҳожиакбархон.

- Қурбақа қанақа бўлади ўзи? Менгайм кўрсатинглар, - деди ҳовлиқиб набирам Жамшидхон. - Олиб кел қурбақанинг бизлар ҳам кўрайлик. Каерда турибди у?

- Гугурт қутига солиб қўйдим, - жавоб берди Шохрух.

- Вой, қурбақа гугурт қутига сифарканми, - деди Ҳожиакбар бобоси Туроб тоға каби сиполик билан.

- Олиб кел, қурбақани кўраймиз, - узил-кесил деди Жамшидхон...

Шохрухнинг шипиллаб уйига чолиб кетгани эшитилди.

Орадан бироз муддат ўтиб, мен

кўчага чиққунимга қадар Шохрух аллақачон қайтиб келган. Болалар даяси кенгайиб тўртинчи синфга ўтган неварам Мунисхон билан унинг тоғасининг қизи Маъмура ҳам шунда - болалар қўлидаги қутичани кўриб, уларни мазага қилишга тушишган эди...

- Вой тавба-ей, - дерди Маъмура ёқасини ушлаб, - вой тавба-ей... қурбақани ҳам билмайдиган одамлар бўлар экан-а... тавба, - дерди у яқаш. - Бизнинг Тўқмоқ томонга борсангизлар-чи, эшигимиз ёнида айқириб Жўнариқ деган сой оқиб ўтади.

* Мен яшайдиган маҳаллада қурбақа умуман йўқ.

* Бу ҳол катта экологик хатардан дарак бераётгандай.

* Ариқлардан неча йилки сув оқмайди.

* Оқ чивин балоси...

Кечкурун қурбақалар хўпам вақа-вақалашдики, қулогинг қоматга келади. Қоронғи тушиб кўча чироқлари ёнганда роса томоша кўрсатишади...

- Қанақа томоша...

- Ростданми? - деган саволлар ёғилиб кетди. Маъмура эса шаҳарлик тенгдошларидан кўра кўпроқ нарсани билишидан ифтихорда сўзлай кетди:

- Бизнинг дарвозахонамиз чироғи ёқилганда, қурбақалар уч-тўртта бўлиб келиб олишади-де. Электр чироқ тагида оғизларини о-чиб қатор ўтиришади. Чироқ ёруғига келган чивин ва пашшаларни овлашди. Роса қизик томоша... Ҳа, ростданам. Ҳой бола, олиб келдингми тутган қурбақангни. Қани кўрсат-чи... Вой анавини қаранглар, қурбақа гугурт қутига сифарканми, - дея қутичани Шохрухнинг қўлидан тортиб олиб очди...

- Вой, ўлай, қурбақа шунақа бўларканми, чувалчанг-ку бу, - деди қўлига чувалчангни олиб.

Бўлди хангома, бўлди хангома...

Айни чоғда мен аллақандай бўлиб кетдим. Ростдан ҳам ҳозирги бешолти яшар болаларнинг қурбақани билмаслиги менинг наздимда катта хатардан дарак бераётгандай кўринди.

Агарда мамлакат ёки шаҳар миқёсида бўлмай, бир маҳалла худуди миқёсида сўзлайдиган бўлсак ҳам, қурбақанинг йўқолиб бораётгани

катта экологик хатардан дарак бермасмикан? Гап шундаки, бу ҳол бир ёки икки йил мобайнида бўлаётгани йўқ. Мана, тўрт-беш йилдирки Чилонзор туманидаги мен яшайдиган Катта Қозиробод маҳалласида қурбақа умуман йўқ. Сабаби шундаки, биз сув бошида яшаб туриб сувга зормиз - ариқларга неча йилдирки сув келмайди. Унинг хатарли оқибати намоён бўлди-қўйди. Оқшом палла маҳаллага кириб келган кимса, у ишдан, бозор-ўчардан қайтаётган маҳалладошлар бўладими, кимидир йўқлаб келаётган меҳмонми маҳаллага бурилиб кириши билан икки қўли ҳаракатга келиб, бетига дув ёпишган - юзини тугиб, қўзига кириб кетаётган майда чивиндан ўзини кўришга - кўзларини ишқалашга тушади. Ҳа, шундай... Бу гапнинг лофи йўқ.

Мен бу ҳол фақат бизнинг маҳаллада деб ўйлаб хато қилган эканман. Қуни кеча бизга ёндош Дўмбиробод маҳалласида бўлдим. Маҳалла гузаридаги уруш йилларида ҳалок бўлган аскарлар хотираси учун барпо этилган хиёбондан ўтиб, маҳалла ичкарисига бурилиб кетарканман юзим-кўзимни талаган майда чивинлар кўз очирмай қўйди. То манзилимга етиб, уй ичига кириб олгунимга қадар икки қўллаб, чивиндан ўзимни кўриб борарканман, бу оқ чивин балоси бир маҳаллага доир бало бўлмай, кенгайиб бораётгандек, бу рости билан ҳам экологик муаммага айлиб бораётган бир ҳодиса эмасмикан? деган фикрга келдим. Ҳар не бўлганда ҳам бу ҳодисанинг янада кенг қулоқ ёймаслигининг олдини олмоқ, пойтахтимиз туманлари коммунал хўжалиги маҳкамалари маҳалла аҳли билан биргаликда бу муаммони бир ёқлик қилиш йўлида астойдил ҳаракатга кириши керак, деб ўйладим. Нима бўлганда ҳам ариқлар қуриб ётмасин. Ариқларга сув келтириш айна дамининг асосий муаммоси. Ариққа сув келтирилса, ўз-ўзидан қурбақалар-чивинларнинг қушандаси бўлган инсоннинг бу сайроқи дўстлари атроф-муҳитни покизлашда бизга кўмакдош бўлади. Аввало улар қирилиб битишдан қутулиб қоладилар.

Холида АХРОРОВА



ҚИЗЛАРГА АТАЛГАН СЎЗЛАР

Аёл зотининг айниши энг ёмон! Чунки у айникса, жуфтидан қўнгли совиб, ё мўлжаллаган одамга ишқи тушиб, режа билан, астойдил айниди! Вақт ўтиши билан ҳам шу режасида қатъий туравериши мумкин. Бу ҳақиқий хатар! Шунинг учун ҳам ҳибнаткор аёл кечирилмайд!

Аммо эркак таъсирга берилганда, тахлил-ни йўқотади, шайтонга тез қўл бўлади. У гоҳо таъсирга қандай тез берилган бўлса, шундай тез қайтиши ҳам мумкин. Ўзига келгач, қилган ишидан астойдил афсусланиши, юракдан чиқариб тавба қилиши мумкин. Мана шу ўзи сенинг ҳеч нарсаси йўқотмаганинг эмасми? Сабр даркор.

Жуфтинг хато қилди, сен бу ҳолатга унинг дўсти сифатида баҳо бер ва дўстинг ишини қил. У адашди, дўст дўсти адашганда қунига ярасагина бурчини бажарган бўлади. Қолаверса, унинг уйдан беизини ўзининг ҳам хиссанг бор! Ҳозир сенинг вази-фанг қўлингга рўмонча олиб йиғлаб ўтириш эмас, қандай қилиб бўлса ҳам, уни хатодан қайтаришдир.

Рўзгорчилик беорчиликдир, қизим, турмуш кечиримлилик бор жойда турмуш бўлади!

Дейлик, рўзгордошинг сендан кетиб борапти. Шун билки, сен хўмравверсанг, жанжал ясайверсанг, унинг сендан узоқлашиши тезлашади!

Сендан узоқлашган эркакни қўрқитиш, аризабозлик, эл ўртасида шарманда қилиш билан қайтариб бўлмайди! Бу ишлар унга ҳаддан зиёд оғрик беради ва бу оғриқларни сен ташкил қилаётганинг учун, унга янада хунуқроқ кўринасан. Қарабсанки, у на-риги томонга аввалгидан баттарроқ интила бошлади.

Ҳалиги аёл эса бундай пайтда янада ҳалимроқ бўлиб олади. Ҳамма ёқдан урилиб-сурилган эркакка у халоскор бўлиб туйилади ва унинг тадбиркорлик билан кўрсатган "меҳрибончилиги"дан паноҳ топади. Мана, қизим-жоним, жанжал-сурон билан эригининг шу бўлди: Ўз қўлинг билан уларни янада қийинлаштириб қўйдинг! Бу ҳам етмагандай, ўртага тушиб шарманда бўлдинг!

Болажон, бундай пайтда ўзингни кўриб кўрмаганга, сезиб сезмаганга ол. Индамай хонадонингни обод қилавер, шу кунгача бепарво бўлган тутумингни зимдан яхшила, эпчил аёллардан аёллик санъатини ўрган! Яъни қийиниш, овқат қилишдаги нозикликларни ва ҳоказо.

"Бир этак болали бўлсам, уйда фалонча юмуш менга қараб турган бўлса, бир эрга ёкиш учун, ойнакка қараб бежанишим, уйимни ясатиб ўйнашим бачканалик эмасми?" дема!

Жуфтинг - сенга Оллоҳ берган муқаддас мулкнинг. Мулкнинг эса ўғри тушиб турибди! Эҳтиётини қилсан-да! Агар у йўқолиб қолса, қўл силтаб қолавермайсан-ку! Зоҳирингда қўл силтасанг ҳам, ичингда қўйиб қулар бўласан-ку! Демак, ўзингни асраш учун ҳам жуфтингни бой бермаслигинг керак!

Аммо ҳаргиз эркакнинг келиш-кетишини суриштирма, ўзингни унинг қаерда юриши билан қизиқмаётгандай кўрсат. Йўқолиб кетиб, яна пайдо бўлса ҳам, "Қаерда эдингиз?" демай! Бояғидай олдинга чойини, нонини қўйиб, кир қўйлагини тозасига алмаштириб қўявер. Қовоғингни уйма. Аммо очилиб-сочилиб ҳам муомала қилма. Фақат саволигагина жавоб бер. Эринг майда гапроқ бўлса, нега қизиқмаётганинг билан қизиқиши мумкин. Шунда: "Кўчада бизнинг зиёнимизга иш қилармидингиз, эсон-омон кириб келдингиз, шу қиёя!" қабилда жавоб қилиб қўй. Аммо газаксиз айт!

(Боши ўтган сонларда.)

Турсуно СОДИКОВА

ТУШЛАРИМДА КЎРИБ ЯШАЙМАН

Янги келин бўлиб тушган дамларим эди. Эрта тонгда кўча эшигини супураётгандим. Шунда икки мўйсифид ўзаро сўхбатлашиб ўтиб қолишди. Беихтиёр уларнинг: "Раҳматлик Олимжон кўп яхши одам эди, фарзандлари ҳам ўзига тортган, мўмин-қобил. Лекин энди уларнинг роҳатини кўрадиган вақтда, Оллоҳ хўзурига олди. Охирати обод бўлсин", - деган сўзларини эшитиб қолиб, вужудим алланечук бўлиб кетди.

Қалбимдаги оғриқ яна жонланиб кетди. Қани энди қайнотам ёнимизда бўлсалар эди, мен "отажон"лаб хизматларини, ҳурматларини жойига қўйсам, қўлимдан бир пиёла чой ичсалар... Афсус, минг афсуслар бўлсинки, менга бундай бахт насиб этмаган. Лекин мен

нимагадир у кишини тушларимда кўраман. Қандай бўлсалар ўшандайлигича, маънос ва маъзун чехрала-

Хотира — муқаддас

ри намоён бўлаверади... Ажабланарлиси шундаки, мен тушқунликка учраган, руҳан азоб чеккан дамларда тушларимга кирадилар...

Яратгандан руҳлари шод, охиратлари обод бўлишини, у кишининг пок руҳлари ҳамиша бизларни қўллаб-қувватлаб туришини сўрайман.

Тушларим рўёга айланмасму ҳеч?

Манзилнинг йироқ менинг қалбимдан.

Дуои жонингиз тилаб эрта-кеч,

Роҳатингиз сўрай тангри эгамдан.

Насиба ОҚБОВЕВА

Наманган вилояти, Косонсой тумани

ДОИМО ҚАЛБИМДАСIZ...

2001 йилда бизнинг оиламиз оғир жудоликка учради. Биз учун меҳрибон, уйимиз кўрғони бўлган, энг суюкли кишимиз, дадажонимдан айрилиб қолдик. Ушандан буён ҳар куним пададри бузруқворимизни

ёдга оламиз.

Агар ҳаёт бўлганлариде 50 ёшлик юбелейларини нишонлардик. Бизни эрта, жуда эрта ташлаб кетдилар.

Дадамлар очик кўнглили, дилкаш, меҳрибон, ҳалол инсон эдилар. Одамлар билан ҳазил-мутойиба қилиб гаплашишни яхши кўрардилар. Дадажоним қисқа лексин мазмунли умр кечирдилар. Бутун ҳаётларини халқ осойишталиги йўлига бахшда этдилар.

Дадажоним, сизни қанчалик соғинганимни билсангиз эди. Сиз б фарзандни вояга етказдингиз, аммо, аммо орзу-ҳавасимизни, бахтимизни кўриш сизга насиб қилмади. Орзуларингиздан бири биз — фарзандларнинг ўқимишли бўлишимизни кўриш эди. Аммо менинг талабалик бахтига мушарраф бўлганимни ҳам кўролмай кетдингиз.

Сизнинг вафот этишингиз онажоним учун жуда катта жудлик бўлди. Айниқса, оила бошлиғи вазифаси зиммасига бевақт тушган онам учун ўрнини жуда билинапти. Ох, меҳрибон дадажоним, биз ҳаёт эканмиз, сиз ҳам ҳаётсиз. Сиз бизнинг юрагимизда, қалбимизда мангу яшайсиз.

Муштарий РАЖАБОВА

Жиззах вилояти, Пахтакор тумани

- Алло, менинг исмим Тоҳир. Ёшим 45 да,- дея овоз келди гўшақдан.
- Жуда яхши, адаш эканмиз ука, нима гапингиз бор эди?

- Ўзим тижорат билан шуғулланардим. Шукр уй-жойли, машинали, оилали бўлдим. Фарзанддан ташқари ҳамма нарсага эришдим. Аммо

мизга кўчиб ўтдик. Мен йўқотган нарсаларимни ўнглаш ниятида жон-жаҳдм билан ишга киришдим. Бир куни кечки пайт уйга келсам, хотиним ўша мен қарз кўтарган йигит билан

лишни хоҳламай икки ўтнинг орасида қолган. Мен эса ҳақлимни исботлашга ожизман. Энди пешонамга фарзанд битганди оиламнинг бузилишини сираям хоҳламайман. Нима қилсам, хотиним ва унинг акаси мени тушунади? Хотинимнинг икки боласини ҳам ўз боламдай кўраман. Шу етимларнинг, бўлажак норасида гўдагимнинг ҳаққи-хурмати менга йўл-йўриқ кўрсатинглар. Шунча азобларим каммиди менга, ака?

У ўзини тутиб туrolмади. Гўшақда гўё тоғ қулаб тушаётгандай унинг узун-узун аламли йиғи овози эшитилди. Мен унинг тўкилиб олиши учун атай жим турдим. Ниҳоят у бўғиқ овозда гапини давом эттирди:

- Кечирасиз ака, кўпдан бери йиғлай олмай ичим қоп-қора бўлиб юрганди. Агар аёл киши гўшақни кўтарганда дардимни айтмаган бўлардим. Ҳар қалай эркак эркакни тушунади-да...

- Худо сизга катта йўқотишлар эвазига фарзанд ато этибди. Ҳар қандай қийин вазиятларда синмаслигимизга шу воқеанинг ўзи тагин бир қарра гувоҳлик бериб турибди,- дедим мен. - Шукр қилинг. Мол-дунё кўнлинг кири. Бу ҳаётда зурийд кўришдан ҳам ортиқ бахт борми ўзи? Ўша икки норасида гўдакка ҳам оталик меҳрини берсангиз Худонинг ҳам, банданинг ҳам сизга кўзи ўнг бўлади. Нима бўлганда ҳам ҳаммаси яхшилик билан тугабди. Насиб бўлса, оилангиз дарз кетмайди. Чунки орада фарзанд бор. Мухими ҳаётга бўлган иштиёқингизни сўндирманг. Бахту шодликлар тақдир эшигингизни тақиллатиб турганини унутманг. Тоҳир НОРИМОВ

БАХТУ БАХТСИЗЛИК ЁНМА-ЁН...



толган-тутганимнинг барчасини бир кунда бой бердим, ака,- деди йигит овози қалтираб. Бир мuddат тўхтаб, яна гапини давом эттирди.

- Бир куни кечки пайт кўп микдордаги пул билан уйга қайтдим. Пулни машина галадонига солганим эсимда. Бироқ, машинадан тушаётган пулни уйга олиб кирдимми ёки ўша ерда қолдирдимми ҳеч эслай олмайман. Эрталаб товар олганим бориб машинамнинг галадонини очиб қарасам, пул жойида йўқ. Жоним ҳиқилдоғимга келиб қадалди. Машинага ўтириб уйга ўқдай учиб келдим. Мени кўриб хотиним ҳам саросимага тушиб қолди. Икковлашиб пулни излаймиз, ҳеч жойда йўқ. Пулни куйи ёмон бўларкан. Нақд ақлдан озаёздим. Бўлар иш бўлди. Икки, уч куннинг ичида озби, ҳатто сочларимга ҳам оқ оралади. Таваккал қилиб ҳовлимни, машинани гаровга қўйиб, бир танишимдан қарз олиб кўп микдорда товар олдим. Бу орада нарх-наво тушиб кетди. Олган товарларимни зиёнига сотишга мажбур бўлдим. Танишим белгиланган мuddатда пулни сўраб келди. Мен вазиятни тушунтиришга ҳаракат қилдим. Вазият сабаб мен лафзимда тура олмадим. Келишганимиздай ҳовли жойимни, машинамни беришга мажбур бўлдим. Хотиним билан домдаги бир хонали уйи-

тушди. Чунки у йигит ёш, ҳам чиройли эди. Шундай қилиб, уйдан бош олиб чиқиб кетдим. Орамазда фарзанд бўлмаса ҳам мен хотинимни жонимдан ортиқ яхши кўрардим. У билан келишиб, бола асраб олиш ниятида юргандик. Чунки шифокорларга учрашганимизда, улар "айб сизда" деб айтишганди. Мен пешонамга фарзанд битилмаган экан деб, умидимни узиб юргандим. Хуллас, ҳовли-жойимдан, машинамдан, хотинимдан айрилиб, тарки-дунё қилиб юрган кунларимнинг бирида, турмуши бузилиб, икки боласи билан қолган бир аёл менга рўбарў келди. Ҳаётимни қайтадан бошлаш имконияти туғилди. Бир-биримизни синаб, кичиккина тўй қилиб у билан оила курдик. Ҳамма йўқотишларим тушга айлана борди. Унинг ҳомилидор бўлганини эшитганимда еру осмонга сиғмай кетгандим. Чунки 45 ёшимда фарзанд кўриш бахтига мурассар бўлганимдан бениҳоят хурсанд эдим. Тасодифни қарангки, бу аёл қарз олган танишимнинг синглиси бўлиб чиқди. Биз турмуш курганимизда у чет элда экан. Қайтган: "Сен мендан қасд олиш ниятида синглимга уйландингми?" деб мени роса урди. Хотиним орага тушиб мен соғ қолдим. Шундан бери хотиним мендан хафа. Бечора хотиним акасидан ҳам, мендан ҳам ажра-

Чоршанбадан чоршанбагача —
кўнгирикларингиз...

- Исмим Азиза. Ёшим 16да. Кўнгирик қилишимга кеча содир бўлган бир воқеа сабаб бўлаётми,- деди ёшгина қиз.

- Кеча нима бўлди?
- Укаларим билан паркдан сайр қилиб келаётсак, кўчада уч-тўртта бола опам шаънига ҳақоратомуз сўзларни айтиб қийқариб кулишди. Мен секин опамга қарардим. Опам кўзларидан шашқатор ёшлар оқа бошлади. Мен ҳам унга қўшилиб йиғлаб келдим.

- Кўчадаги болалар бекорга ўзларини бундай туттирмагандир. Опангиз билан боғлиқ хунук иш бўлганми-ди?

- Очигини айтсам, Дилфуза опам бундан 3-4 йил аввал тўғри йўлдан адашган. Ёмон қизларга қўшилиб чекадиган, ҳар хил машиналарга миниб, кафе-ма-кафе юрадиган бўлиб қолди.

- Сиз бу ҳақда уйдагиларингизга айтиб бермадингизми ёки уни бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилмадингизми?

- Опам: "Агар адамга, оймга айтиб берсанг, мендан кўрасан",- деб қўрқитарди. Хуллас, жуда кўп воқеалар содир бўлди. Ҳозир опам ҳамма хатоларини тушуниб етган. Кўпинча: "Сиз тўғрингизда "Оила ва жамият"га ёзай. Сизга ўшаганлар ҳатосини тушуниб етар",- десам у: "Қўйсанг-чи, нима кераги бор. Барибир ҳеч ким тўғри тушунмайди",- дейди. Аммо ҳар чоршанба "Оила ва жамият"ни мендан олдин бориб олиб келиб ўқийди.

- Ҳозир опангиз қаерда?

- Ёнимда ўтирибди.

- Мен билан гаплашарми-кан?

Нариги ёқда бир-неча дақиқа жимлик ҳуқи сурди.

Ниҳоят гўшақдан:

- Лаббай, эшитаман,- деган бир овоз келди.

Ҳол-аҳвол сўрашгач, дедим:
- Дилфуза синглингиз билан сиз тўғрингизда гаплашдик. Ўзингиз нима дейсиз бу ҳақда?

- Тиббиёт техникумида ўқидим. Бир куни ўқишдан уйга келаётсам ёнимга бир машина келиб тўхтади. Мен яхши танийдиган Комил исмли бир йигит. Саломлашдик. У менга машинага чиқишимни, уйимгача олиб бориб қўйишини айтди. Мен иккиланмай машинага ўтирдим. Йўл-йўлакай у менга "Чигатой"га кириб овқатланиб чиқишни таклиф этди. Рози бўлдим. Овқатланиб ўтирсак, қаердандир унинг бир-икки ўртоғи келиб қолди.

Шампан виносидан менга ичирди. Бир пайт ҳалигиларнинг бири менга сигарет тутқазди. Мен ўйланиб ўтирмасдан олиб чекдим у кейин нима бўлди, билмайман.

Бир вақт ўзимга келсам, "Дамас"нинг ичида ётибман. Қачон машинага чиқганимни, қандай ухлаб қолганимни сира эслолмадим...

Уйга борганимда соат тунги 11дан ошган эди. Адам билан оймим роса уришишди.

- Қаердан келаётганингизни айтдингизми?

- Яширдим. Қўрқдим айтишга.

Аммо бир ойлар ўтиб, тобим қоча бошлади. Ойим дўхтирга

олиб чиқдилар. Дўхтир: "Қизингизнинг бўйида бор",- деди. Ойимнинг ранглари оқариб кетди. "Нима ишлар қилиб юрибсан, жувонмарг?" - деганларида ҳам ҳали нима гапигизга ақлим етмай турди. Бирдан ўша кунги воқеа эсимга тушиб кетди...

Адам мени етаклаб ўша болаларнинг олдига олиб борди. Бироқ улар ҳеч нарсани тан олишмади. Аммо тегишли жойга арз қилганимиздан сўнг Комил деган ўша йигит ҳаммасини тан олди. Қамалиб кетди.

- Ҳаммасини тан олган бўлса, бирга оила қуриш маъқул эмасми?

- Йўқ, ота-онам бу тўғрисида ўйлаб ўтиришмади ҳам.

БИЛИБ ТУРИБ ҚИЛДИМ ГУНОҲНИ



Бундай қабиҳ ишни қилган одам мени ҳам бахтли қилолмаслигига ўзимнинг ҳам кўзим етди...

- Дўхтирлар нима маслаҳат беришди? Вояга етмаган қиз бўлгансиз...

- Доим дўхтир назоратида бўлдим. Фарзандни туғишдан бошқа илож йўқлигини айтишмади. Қариндош, қўни-қўшилардан бу гапларни яширдик. Уйдан кўчага чиқмасдим. Аммо бир куни ҳомилам тушиб қолди...

Бола тушганидан кейин мен ўқишни ташлаб савдо билан шуғулланадиган аммам билан бирга бозорга чиқиб кетдим.

Бозорда сал овунгандек

онамнинг инсулты бўлиб қолиши билан якунланди. Фақат шундагина мен ўзимга келдим. Ойижонимнинг ёнига келиб ҳамма-ҳаммаси учун кечирим сўрадим. Худодан фақат оймимнинг соғлигини сўрадим. Худога шукр, яхши бўлиб кетдилар. Энди ҳаммаси ботқоқча. Бувимдан кўп юмушларни, кўрпа қовишларни, тикиш-бичиш ишларини ўргандим. Торт пишираялман, бир қўшим кўтарасига сотиб келади. Лекин кечаги болаларнинг гапидан жуда қаттиқ сиқилдим. Айниқса, синглим-

инсонга ақл-идрок берилган. Уни ҳар доим жилайлаб батиш керак. Сизнинг хатоингизда ота-онангизнинг ҳам айби бор. Улар сизни бошидан назорат қилишлари керак эди... Бу сўзларимдан сўнг Дилфузани кўнглида умид учқунларини ёқишга ҳаракат қилдим. Аммо... бирор жўяли сўз айтишга қийналдим. Балки сиз айтарсиз ўз сўзингизни, азиз мухлис?

Хулқар ХОТАМБОВЕВА

ХАР ПАРСАЛНИНГ ЎЗ МЕЪЁРИ БОР

Ушбу мақолани ўқишга киришганимдаёқ, "қуйган кулнинг дил изхори экан-да", деб ўйлагандим. Чиндан ҳам шундай экан. Халқимизда "Биринчи хотин кул хотин, иккинчиси - пул хотин" деган нақл бор. Бечора укамиз Т.Ў. кул хотиндан ажраб, пул хотинга учраган экан. Афсус, сўраб-суриштирмай толган хотини — Мохирага худда-беҳуда сарфлаган жараж-жарақ пуллари аллақачон бузуқлик йўлига кирган аёлни йўлдан қайтаролмапти.

Мақолада шу ҳолат тўла ақл этганки, Мохира ўзига бино қўйган аёл. У ҳозирча чаққон бўлиб турган "бозори", ҳадемай касодга учрашини ўйламайди. Ёки ўйласа ҳам "вақтида фойдаланиб қолиш" пайида. Яна бир томони у пулдор бой-вуччаларни "овлаб юриб" ўрганиб қолган. Аслида жазман бойвуччаларга ҳам Мохира вақтинча керак, холос. Маишатни қилиб, ҳаромдан топилган пуллари ташлаб кетаверишади.

Ростини айтсам, Мохирани шундай бетийик йўлдан қайтаришга уринган Т.Ў.га аввалгига омадлар тиланган эдим. Чунки Мохира ўзини қўлга олиб, Т.Ў.нинг хонадонига мўқим бека бўлиб қолганида ўз обрўйини вақтида сақлаб қолган бўларди. Т.Ў. ҳам фоҳишани тўри йўлга солгани учун савобларга қоларди. Афсус, бу ниятлар амалга ошмади. Ўзвучи Солиҳ Қаҳҳорнинг "Даиди қизнинг дафтери" романидаги Тахмина ҳам Мохиранинг олдида ип эшолмай қолди.

Севиш ва севилиш аслида Аллоҳнинг суюкли бандаларига берган беқиёс буюк нёъмат. Севиш ва севилиш учун йигит ҳам, қиз ҳам маънавиятда баланд даражага етишмоғи даркор. Ақс ҳолда ўртадаги севишда қандайдир манфаат ёки хирс бўлади. Севган-севишганлар бир-бирларига тенг талпинадилар.

ҒИЙБАТЛАРГА ПАРВО ҚИЛМАН

"Айбсиз айбдор бўлдим" - 16-сон

ЭСЛАТМА: Қорақалпоғистонликман. Олийгоҳда ўқийман. С. исмли йигитнинг совчиларини ота-онам рад этди. У бошқага ўйланди. Шу орада А. исмли йигит мени олиб қочди. Қўйиб юборишини илтимос қилдим. Онаси бизникига совчи юбориш шарт билан қўйиб юборди. Мен ҳақимда одамлар орасида ҳар хил гаплар тарқалиб кетди.

Д. Ҳурматли Нукуслик сингилжоним Д. Гапларингиздан севиш-севилиш нима-лигини тушунамаслигиниз билиниб турибди. Сизни севган, васлингизга етолмаган укажоним С.га оиламиз номидан чин дилдан бахт тилайман. Ҳаётда қўқилмасин. Бадавлат оиладан бўлса-да, С. бойликни эмас сизни танлагани шу

"Уни деб ақлу хушимдан озибман" — 26-27-28-сон

ЭСЛАТМА: Ёшим 37да. Мен 1986 йилда уйланиб, 2000 йилдан оилавий келишмовчилик туфайли ажрашдик. Икки ўғил, бир қизим бор. Уларни ҳар томонлама таъминлаб тураман. Ўйда мен ва 77 ёшли онам қолдик. Кейинчалик гўзал бир аёл билан тақдиримни боғладим. Уни яхши кўрганимдан нима деса олиб берардим. Рўзгорни ҳам обод қилиб қўйгандим. Унинг ишқидеяниб кўп сарсонгарчиликларни бошимдан кечирдим. Ундан ажрашмайман, деб юрган вақтимга, сарфлаган пулларимга, меҳнатимга, кўз ёшларимга афсусланаман...

Т. Ў.

Шўрлик (шундай деб аташга мажбурман) Т.Ў. Мохирага мудом ёлғиз ўзи талпиниб, уни яна ҳам "мартабаси"ни ошириб юборибди.

Гарчи Т.Ў.да Мохирани ёмон йўлдан қайтаришдек эзгу ният бўлса-да, бироқ алдаганидаёқ, ҳар қанча севса ҳам, ундан воз кечиши лозим эди. Эраклик гурури ҳам борку, ахир!

Т.Ў.нинг "эр" билан "жазман"нинг фарқи етмаганлиги меннинг гашимга тегибди. Наҳотки, сал кам қирқ ёшдаги одам, эроиланинг мўқим кишиси, сунячи, жазман эса аёлга вақтичоглиқ вақидан яқинлашган муваққат одам эканлигини аниқ тасаввур қила олмасли!

Хуллас, Мохирадек бузуқларни ҳаётнинг тўғри йўлига солиш осон эмас. Ундайларга Аллоҳнинг ўзи тўзим берсин! Пул толиб, тинчлик толмаган, фоҳишаларнинг макрига учиб юрган Т.Ў.дек тоифадошларга ҳар қачон эс-хушини йўқотмасдан иш тутишни маслаҳат бераман.

Маҳмуджон НОРХУЖАЕВ
Андижон шахри

Акс-сано

йигитнинг мардлигини билдириб турибди.

Синглим Д., ҳаётда бахтли яшашни ҳамма истади. "Бир ойдан кейин у уйланди. Мен уни йўқотганимни сезиб, унга қанчалик ўрганиб қолганимни аналдим", дебсиз. Шу сўзларингиз сиз ҳам С.ни севганлигингизни билдиради. Лекин А.нинг иши номардликдир. Норозилигингизни била туриб А. сизни олиб қочмаслиги керак эди. Ғийбатларга эътибор бермаслигингизни истардим. Ўқиларни битириб, ота-онангиз олдида юзингизни ёруғ қилиб юринг. Ёмон гапларга парво қилманг. Бир кун келиб гап тарқатганлар уялиб қолишади. Сиз ҳам ўз бахтингизни топинг ва ҳажжи фарзандларингиз камолини кўринг. Яшаш учун курашинг, бахтли бўлиб кетишингизни чин дилдан сўраб қоламан.

ШИРИН

ЭЗГУЛИКНИНГ ЭРТА-КЕЧИ ЙЎҚ

"Менга ҳам бахт қулиб боқармикан?" — 27-сон

Гулистонлик синглим Н., дил изхорингизни ўқидиму, ўз ҳаётим кўз ўнгимга келди. Мен онасиз ўсганман. Қайнонам: "Янгангиз сизни туғмаслигингизни билиб, бизларга берди", деб юзимга солгандилар. Синглимга совчи бўлиб борамиз деганларга: "Опаси туғмади. Буниси ҳам туғмайди", деб йўлдан қайтарувдилар. Буни қарангки, синглим турмушга чиқиб икки болали бўлди. Ўша совчилари синглимга бормай қўйган йигитнинг эса ўн йилдан бери боласи йўқ. Мен ҳам иккинчи турмушимдан Худоба шукр, 32 ёшимда оналик бахтига муяссар бўлдим. Эзгуликнинг эрта-кечи бўлмас экан. Ҳали синглингиз турмушга чиқиб болалик бўлиб кетди. Сиз ҳам эртани-кечани болалар қуршовидан қиқолмай қоласиз. Сизни гапирганлар олди-

Эслатма: Икки марта турмуш қурдим. Фарзандим бўлмади. Бефарзандлигим синглимга ҳам таъсир қилаётганидан эзиламан. Наҳотки синглим мени деб турмушга чиқмаса? Кун сайин сўлиган гул сингари ҳазонга айланаётгандекман...

Н.

да бошингизни баланд кўтариб, мағрур юришингизни тилаб қоламан. А. Ориповнинг мен севиб мутоала қиладиган шеърдаги ушбу сатрларни сизга ҳам илдиним:

Учрагай дунёда турфа хил армон,
Гоҳи голибдирсан, гоҳ мағлуб, нолон.
Қўнмаккай бариға ҳаётда инсон,
Лекин ғам устма-уст такрор тушмасин.

ЗУЛАЙХО

Қашқадарё вилояти,
Косон тумани

Мақола муаллифи гарчи газетхоналар фикрини сўрамаса-да, ёзмасдан туролмадим. Ўэр.

Бундан салкам бир ярим йил муқаддам Манзура Сафарованинг газетасида босилган "Сиз нима дейсиз?" мақоласини ўқиганим ҳозиргидек ёдимда.

Она вафот этади-ю, қизлари, келинлари овоз чиқариб йиғлашмайди. Бунинг устига йили чиқмай тўйлар қилишади.

Ҳақиқатан ўзбекчиликка тўғри келмайдиган одат-да бу.

Инсон дунёга келиб кўз очар экан, илк дафъа онасини кўради. Ота-она фарзандини емай едиради, қиймай қийдиради. Уларга атаб сандиқ тўлдириб сеплар йиғади. Сал оғри-са туну-кун атрофида парвона бўлишади.

Фарзанд дегани, фарз-қарз, андор, яъни қарздор деган маънони англатса керак, менимча. Биз ана шу бурчимизни сира унутмаслигимиз керак. Ота-онамизга қандай муомала бўлсак, балаларимиз эртага бизларга ҳам шунини қайтаришади.

Раҳматли онам қишлоғимиздаги тўю маъракаларда ҳодима сифатида қатнашар эдилар. Гоҳо таъзиядан келиб: "Қизларим, фарзанд деган ота-онасини сўнгги йўлга қузатаётганда дўст-у душман олдида юзини ёруғ қилиши керак-да, чунки азага келган аёллар ҳам сир оладилар. Агар мен ўлсам "онамлаб" бир кунлигимни обод қилинлар, хўпми? Шунда сизлар учун тортган азобларим бари унут бўлади", дердилар. Шунда мен ёшлик қилибми: "Она, қандай қилиб бизни "онам" лаганимизни кўрасиз, марҳумлар ҳеч нимани эшитишмайди-ку", дердим. Онам: "Майитни ювиб, қафланлаб тобутга солгач, жаноза ўқиш олдида уч марта "Оллоху Акбар" айтилгандан сўнггина қулоғи битади, унгача барча нарсаларни билиб ётади", деб айтди.

Ота-онаси ўлимида йиғламаган фарзанднинг бегонадан нима фарқи бор ахир?

Гулнораҳон ушбу мақоласида: "Нима учун бировлар олдида ўзини кўрсатиш учун, додлаб, айтиб йиғлаш керак", деб ёзбдилар. Гулнораҳон, яқин кишингиздан жудо бўлмоқликнинг, сиз учун азиз кимсанинг совуқ жасадини кўришнинг ўзи энг оғир мусибат эмасми?

Шахрисабз телевидениеси диктори — Гулнора Узоқованинг отаси ўлганлиги хабарини эшитиб, қўшни-

миз билан таъзияга бордим. Йўлда кетаётиб "Гулнора опа бормикин уйда, бизни қандай қарши оларкин? Ҳар ҳолда тушунган, журналист аёл-ку", дея минг ҳадик билан бораёпман. Дарвозасидан кириб борар

У КУНЛАР ДАҲШАТИ...

"Ярам янгиладим" — 20-сон

Эслатма: Биз оилада 4 қиз, 3 ўғилмиз. Отажонимиз саратон касаллиги билан 9 ой оғриб оламдан ўтдилар. Улар бизга: "Болаларим, мендан кейин соч юлиб йиғламаңлар, дабдаба билан ош берманлар, фақат икки калима Қуръон ўқиб туриңлар", дедилар. Биз отамизнинг васиятини бажариб, унсиз йиғладик. Лекин бекорчиға, ғийбатчиларға роса гап топилиди.

Гулнора ҒУЛОМОВА

эканмиз, ҳовли ўртасида туриб "отам"лаб, фарёд чекаётган Гулнора опани қўриб мен ҳам додлаб, йиғлаб юбордим. Унинг айтиб-айтиб йиғлашларидан халқ оғзаки ижодидан ҳали мен эшитиб улгурмаган марсия сўзларини эшитиб, лол қолдим. Ҳурматли Гулнораҳон, мақолангиздаги фикрларингизга қўшилмайман (маъзур тутасиз). Биз ўзбек аёлимиз. Аъналаримиз, қадриятларимизни баланд тутувчи, орини жонидан ортиқ билувчи халқ вақилларимиз. Яқин қишларимиздан жудо бўлганимизда бизга кимдир ниманидир ўргатиб туриши керакми? Марҳум севили хонандамиз Охунжон Мадалиев бир қўшиғида:

Энг сўнги дам ортингдан
қон йиглаб қолмаса гар,
Фарзандим бор демагил,
фарзанд эмас ул...

- дея тўлиб-тошиб хониш қиларди. Ахир ота-она, туғишган яқин жиғарларнинг меҳри қанчалар баланд. Улардан айрилмоқ ҳам биз учун шунчалар мусибатдир. Чунки, отамнинг ҳам, онамнинг ҳам ўлими ўзимнинг бошимдан ўтган ва у кунлар даҳшатини ҳали ҳануз ҳис қиламан.

Менимча, Манзура Сафарова жуда яхши мавзуну муаммо қилиб кўтарган. Шу ўринда мен "Оила ва жамият" газетаси муҳлисларининг бу хусусдаги фикрини билмоқчиман. Қани билайлик-чи, мушаррийлар бу тўғрида нима деркинлар?

София УЗОҚОВА

Шахрисабз шахри

СИЗЛАРГА ҲАВАС-ЛА БОҚИШСИН

"Кечирим сўрайман?" — 24-сон

ЭСЛАТМА: Ёшим 18да. Дугонам билан ёшлиқдан бир боғчага бориб, бир сифида ўқиб катта бўлганмиз. Уфимизнинг сўнгги дақиқаларига ҳақ дўст бўламиз деб ахдлашганмиз. Аммо у бир кечадаёқ ўзгариб қолди. Сабабини сўрасам унга кимдир: "У билан дугона бўлма, машина минган қиз яхши эмас", дебди.

М.

